

ЎЗБЕКИСТОН БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ВА ОЛИЙ СУДИ ДИҚҚАТИГА!

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бу мавзуга яна қайтишни ҳеч ҳам истамган эдик. Термиз давлат университетининг собиқ ректори Хидирназар Аллакулов қанча ўйинларни уюштирмасин, газетамиз шаънига асоссиз, тўхмат тошларини отмасин, кўпсилтлаб кетавердик. «Аламзада одам-да, гапириб-гапириб ҳовуридан тўшади», деб қўяқоддик. Бирок у борган сайин ҳақдинда оша бошлади. Узи тўқинган ёлгонларга ўзи ҳам ишонди шекилли, бугунга келиб қаҳрамонликка даъво қилишга ўтди. Кимлардир бизга: «Нега суккул сақлаб ўтирибсизлар, муносабат билдиринглар», — деди. Кимлардир: «Унга тенг бўлиб ўтирасизларми, у бекорчи одам, пули кўп, бирикки югурдак топиб, ўшаларни ўзи учун ишлатиш ёрибди-да. Улар билан тортишиб вақтинглирни бекорга йўқотманглар», деди.

Бу фикрларнинг ҳар бирада жон бор, албатта. Биринчидан, ортиқча вақтимиз йўқ, иккинчидан, кўнглини хири қиладиган гап-сўзлар... Индамай кетавердик. Аммо...

«... Мен ўн йилдан бери шу даргоҳда дарс бераман. Иқтисод фанлари номзоди-димаан... Сизга мурожаат қилишимнинг боиси ректор Х.Аллакуловнинг тазийқлари жонимдан ўтиб кетганлиги учундир... 2002 йил март ойдан факультетда ўқув ишлари бўйича декан муовини бўлиб ишлаб келаман. 2003 йил августдан... факультетда ортиқча бўлиб қолдим. Сабаби, мен улар қилаётган турли ноқонуний ишларни билар ва тушунар эдим... Мен юқори идораларга телеграммалар жўнатган эдим, ректор Аллакуловнинг жиноят ишлари ҳақида. 2004 йил 22 январда декан мени кабинетига чақириб, «Хамидова сиз бугундан бошлаб бўйсиз...», ректорнинг буйруғи чиқарилади ходимлар сонини

верситети иқтисодиёт кафедраси доценти С.Хамидовадан шикоят хати ва бир тўпдан ҳужжат келган эди.

Ушбу шикоят аризاداги айрим маълумотларга эътибор қаратайлик:

«... Мен ўн йилдан бери шу даргоҳда дарс бераман. Иқтисод фанлари номзоди-димаан... Сизга мурожаат қилишимнинг боиси ректор Х.Аллакуловнинг тазийқлари жонимдан ўтиб кетганлиги учундир... 2002 йил март ойдан факультетда ўқув ишлари бўйича декан муовини бўлиб ишлаб келаман. 2003 йил августдан... факультетда ортиқча бўлиб қолдим. Сабаби, мен улар қилаётган турли ноқонуний ишларни билар ва тушунар эдим... Мен юқори идораларга телеграммалар жўнатган эдим, ректор Аллакуловнинг жиноят ишлари ҳақида. 2004 йил 22 январда декан мени кабинетига чақириб, «Хамидова сиз бугундан бошлаб бўйсиз...», ректорнинг буйруғи чиқарилади ходимлар сонини

ОҚЛАНИШ МУМКИН, ОҚ БЎЛИШ ҚИЙИН

Ёки сохта оқлов дейишга асослар етарли эмасми?

қисқартириш бўйича, бюджет асосида ишлайдиган декан муовини штати қисқариши керак, шунинг учун штатнинг қисқариши», деди.
Лекин мен шартнома ҳисобига ишлардим. Мен Олий ва ўрта махсус таълим вазирига ариза ёздим, бошқарма бошлиғи қабулида бўлдим...

Унинг шикоят-аризасини батафсил келтирмай, яна айрим маълумотларга эътибор қаратайлик.

«... 2004 йил 9 февралда вилоят «Ўйжойжамгармабанк»дан университет кассасига профессор-ўқитувчиларнинг 2004 йил январь ойи учун олинган 11 млн. 200 минг сўм миқдоригада иш ҳақи, 2 млн. сўм миқдоригада нафақа 25 февралда, яъни 16 кундан кейин тарқатилди. Февраль ойи стипендияси учун 23 февралда 11 млн., 24 февралда 5 млн., 27 февралда 12 млн. 500 минг сўм, жами 28 млн. 500 минг олинган бўлиб, 23 мартда тарқатилди...».

Шикоят хатида маош ва стипендиялар банқдан ўз вақтида олинган бўлишига қарамай, бир ой, ундан ҳам кўпроқ вақт ўтиб тарқатиллиши одат тусига кириб қолгани ҳақида кўплаб мисоллар келтирилган эди.

Тахририят бу масалага ойдинлик киритиш учун Республика Марказий банки рақбариятига ёзма равишда мурожаат этдик. Банк рақбарлари зудлик билан Термизга ўз вакилларини юборишти. Текширув натижаси бўйича тахририятга берилган расмий хатда маълум қилинишicha, **Термиз давлат университети Республика бюджетидан молиялаштирилган маблағлар билан ўз вақтида таъминланган...**

Аммо, банқдан олинган маблағлар қачон тарқатилганини текшириш Марказий банк ваколат доирасига кирмас экан. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида кўра, бюджет ҳисобидаги ташкилотларда касса операцияларини амалга ошириш қондаларига риоя этилишини текшириш ваколати тегишли молия органларига берилгани учун Марказий банк тахририятга Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш Бош бошқармаси топшириғига кўра, вилоят назорат-тафтиш бошқармаси 25 март – 12 апрель кунлари шикоят хатлари асосида университетда ўтказилган текширув натижаси бўйича тузилган ахборотномани тақдим қилди.

Уша ахборотномадан айрим мисолларни келтирамиз:
«...2004 йил март ойда ... хазинага ҳар хил тушумлар ҳисобидан жами 126.9 минг сўм кирим қилинган, аммо 126.9 минг сўм хазинача томонидан банкка топширилмай, (?) хазинанинг ўзидан тўғридан-тўғри ҳар хил тўловлар учун сарфланганлиги аниқланди... ».

Ахборотномада иш ҳақи, стипендия, ижтимоий тўловлар учун банқдан олинган маблағ эгаларига тўлиқ тўланмагани ҳам қайд этилган. **«...жами 15.583.3 минг сўмлик нақд пул банк томонидан берилган мақсадлар учун тарқатилмасдан, нақд пуллар ҳам, бюджет маблағлари ҳам мақсадсиз сарфланганлиги оқибатида ректор ва бош ҳисобчи томонидан бюджет интизоми бўзилганлиги аниқланди.»**

Бундай мисолларни ахборотномадан яна ўнлаб келтириш мумкин.
Ахборотномада университет белгиланган маблағни банқдан олган вақти аниқлиги, лекин тарқатилган куни қайд этилмагани кўрсатилган. Ҳар ойнинг охирида бир марта тузилган хазина ҳисоботларида, уларга илова қилинган тўлов ҳужжатларида сана ёзилмаган.

Банқдан олинган нақд пулнинг тарқатилган санасини қўрсатмасидан мақсад нима эканлигига изоҳнинг жоғати бўлмас керак. Университет студентларнинг тахририятимизга ёзган ариза ва тушунтириш хатларидан кўчирма: **«Биз иқтисодиёт факультети талабалари контракт бўйича 2003 йил июль, август ойининг стипендиясини**

2003 йил 25-26 декабрда олдик. 2003 йил сентябрь, октябрь ойлари стипендиясини 2004 йил январь ойининг охирида олдик. 2003 йил ноябрь стипендиясини 2004 йил 26 февралда олдик. 2003 йил декабрь ойи стипендиясини эса 2004 йил 12 март куни олдик. Лекин пул талабаларнинг ярмига етмасдан қолди...

4-курс, 404-ғуруҳ сардори Д.Шарилов.

Бу хат тагига юқоридагиларни тасдиқлаб бошқа курсларнинг саркорлари – Н.Ҳайитова, Р.Рамазонов, М.Худойбердиев, Р.Ашурова, Ж.Хурирамов, Ф.Тошмурадов ва бошқалар ҳам имзо чекишган.

Қизиқ, шунча муддат ичيدا миллион-миллион сўм бу пуллар қаерда, кимнинг қўлида, ихтиёрида бўлган экан?..

Энди, стипендиясиз, пулсиз қолган студент аҳолини кўз олдингизга келтиринг. Ахир улар орасида камбағал оилалар фарзандалар, қаровчиси йўқлари ҳам бор-ку. Стипендия олмаган, ёнида овқатга пули йўқ талаба қандай кайфиятда бўлади?..

Студентлар тахририятга ёзган иккинчи хатида баён қилинишicha, юқори ташкилотларга шикоят ёзганлари учун тазийққа олинишган, университетда уларни биттадан чақириб, дўқ-пўписа қилишган, ўқишдан ҳайдайман, қаматаман, деб кўрқитиб, «Биз бу аризага билмасдан қўл қўйибмиз» деган мазмунда тушунтириш хати олишган.

Катта, нуфузли, муқаддас маърифат маркази ҳисобланган даргоҳда бўлаётган бу ишларга бефарқ қараш мумкинмиди?

ни жазолашга жон-ҳади билан киришди. Газетада чиққан мақола асоссиз бўлса, ҳеч қим жиноят иши кўзғатмаслигини тан олимни хоҳламади. Вақолатни, мақолаимиз эълон қилинишидан уч-тўрт кун олдин вилоят прокуратураси бошқа бир масалада университетда жиноят иши кўзғатганлигини кейин билдик. Х.Аллакулов қайта ректор бўлман, деб бошини кўп деворларга урди. Олий таълим вазирлигини судга берди, ютказди. Нега? Устидан жиноят иши кўзғатилган кунларда, аниқроғи, 2004 йил 14 июнда ўз хоҳишига кўра, лавозимидан озод этилишини сўраб ариза ёзган. Вазирлар Мақамасининг 2004 йил 17 июндаги қарори билан лавозимидан озод этилган.

Аммо у ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаганини тан олгиси келмайди. Мени мажбурлаб ариза ёздиришган, деди. Олий маълумотли одамнинг, собиқ ректорнинг гапига қаранг? Кимдир ариза ёз, деган бўлиши мумкин, лекин «менинг айбим нима, нега ариза ёзмаман, қандай бўшатсанг, бўшатавер», — дейиши мумкин эди-ку.

Эҳтимол, ушанда судланиб, жазоланиб кетишдан қўқриб турган пайтида ишдан бўшашга дарров рози бўлгандир. Афуски, у хатосини тан олгиси келмай, асоссиз талабларни беҳуда илгари суриб, қанчалаб илдори ва ташкилотларни неча йиллардан буюн беэовта қилди, вақтини олиб келмоқда.

Яна бир мулоҳаза: Яхши кадр, яхши инсон ҳар бир ташкилотга зарур-ку. Демак, Х.Аллакуловнинг ё яхши олимлигига ёки яхши одамлигига шубҳа бор. Х.Аллакулов

Оқлашиш мумкин, оқ бўлиш қийин

эса «мендек одамнинг қадрига етишмаепти, улуғлигимни билишмаепти», деб бошқаларни айблаб келмоқда. Университетдан кетганидан буюн ўтган ўн беш йил давомида фақат фиску-фасод билан шуғулланиб келмоқда.

Атрофида табиатан ўзига ўхшаганлар ўрмалашиб юради. Ёки алмазда, ноҳолис одамларни ахтариб топиб, улар «маслаҳати» билан қонунга, зид ҳаракатлар қилиб, оғзидан чиқаётган гаплар учун жавобгарлигини ҳам ўйламай қўйди. Кейинги пайтда у эски иғволари қаторига сиёсий ўйинларни қўша бошлади. Бундан нимани кўзлаётганини ўзи яхши билади. Лекин бошқалар ҳам бу ўйин кимларнинг «таклифи» билан, нима учун бўлаётганини билиб туришибди. Эски алмаздаларга галамис, гаразли мақсадлари йўлида кўпроқ гап-сўзлар, миш-мишлар тарқатиш учун айнан Х.Аллакуловга ўхшаганлар керак бўлади.

Х.Аллакуловнинг мафқураси, дунёқарashi, олимлик даражаси ҳақида хулоса чиқариш учун уни тестдан ўтказиш шарт эмас. Кейинги пайтда ҳамтовқларининг ижтимоий тармоғида у билдирган асоссиз гаплардан бирига эътибор қаратайлик. Унинг айтишича, гуё кейинги уч-тўрт йилда Ўзбекистонда ҳеч қандай ўзгариш бўлмабди, ҳамма соҳа ботқоққа ботибди... ва ҳақозо.

Бу гапларни айтиш учун одам чаласавод, дунёдан беҳабар бўлиши керак. Ёки ношукур, худбин киши шундай дейиши мумкин.

Ўзбекистонда қандай тарихий ўзгаришлар бўлаётганини халқ қўриб, билиб турибдику. Камчиликлар ҳам оз эмас, уларни бартараф этиш учун кураш кетаяпти.

Агар Х.Аллакулов ўзини олим деб билса, кейинги икки йилда аҳолининг ўртача иш ҳақи, пенсия миқдори қанчага ошганини ҳисоблаб кўрсин. Ёки қанча иш ўрни яратилганидан хабари борми? Боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронларнинг қанчаси бепул уй-йўқ билан таъминланганини билдимизми? Камбағал оилаларга арзон уй-жойлар берилаётганидан беҳабарми? Қанчалаб янги «сити»лар, саноат корxonалари қурилмоқда, сўз ва матбуот эркинлиги таъминланмоқда...

Шунча ишларни кўрмаган ёки кўролмай-диган, баҳосини ҳолис бераолмаган Х.Аллакулов икки дунёси тўғрисида нима дейиш мумкин?... Шундай феълийи одамга ёшлар таълим-тарбиясини ишончи бўладими? Ректорлик нари турсин, бундайлар оддий ўқитувчи бўлиш ҳам хатгари эмасми?.. Бу гапларни бир четга суриб, навбатдаги саволни, асосий саволни ўртага қўйиб, унга жавоб ахтариб қўрайлик.

Собиқ ректор Хидирназар Аллакулов қандай оқланди, унинг оқланишига туман суди нималарни асос қилиб олган эди?

Жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод туман судининг 2006 йил 23 февралда чиқарган ҳукмининг 14-бети 2-хат бошида шундай дейилган: **«Судга гувоҳ тариқасида сўралган» ДАТ «Асака» банкнинг Сурхондарё вилоят филиалининг нақд пулли назорат қилиш бўлими етакчи мутахассиси Ўткир Алимов ва Ўйжойжамгармабанкнинг Сурхондарё вилоят филиали етакчи мутахассиси Ўткир Саматовлар ҳақиқатдан ҳам ўзалари ишлаётган банкларда нақд пулнинг бўлмаганлиги сабабли, Термиз Давлат университети ўқитувчиларининг иш ҳақи ва талабалар стипендияларини тўлаш учун ўз вақтида нақд пул билан таъминлтай олмаганлиқларини, бунда университет эмас, балки банқда нақд пул бўлмаганлиги сабабли, банк айбдор эканлигини... билдиришди».**

Биз бу ҳолатдан ажабланиб, Марказий банкка яна мурожаат қилдик: Сизлар стипендия ва ўқитувчилар маоши банк томони-дан вақтида чиқарилган, деб бизга расмий маълумот берган эдинглар, Сурхондарёдаги икки банкнинг икки ходим судда бошқача қўрсатма берибди-ку...

Ушанда Марказий банкнинг юридик бош-

қармаси бошлиғи ва яна бир масъул ходими Термизга бориб, муаммони жойида ўрганиб қайтгани ва Марказий банкнинг расмий жавоб хатини (2009 йил, 16 январь) тахририятга оlib келгани ёдимизда. Мана, уша хат:

«Асака» банк Сурхондарё вилоят филиалининг 2009 йил 21 январдаги 6К/12-сонли хатида Ўткир Алимов Асака банкнинг ушбу филиалида умуман ишламаганлигини, жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод туман суди ушбу жиноят ишини кўришда умуман банкда ишламаган шахс – Ўткир Алимовдан гувоҳ сифатида кўрсатма олганлигини қайд этган.

Жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод туман суди томонидан Термиз давлат университетининг собиқ ректори Хидирназар Аллакуловга нисбатан 2006 йил 23 февралда чиқарилган ҳукмининг 27-варағи, 3-хат бошида «Бўлардан ташқари, мазкур иш бўйича ЖИБ Термиз шаҳар судида ўтказилган суд мажлисларида гувоҳ тариқасида сўралган ДАТ «Асака» банк Сурхондарё вилояти бўлимининг нақд пулли назорат қилиш бўлими етакчи мутахассиси Пардаев Шўҳрат ва АТ «Ўйжойжамгармабанк» Сурхондарё вилояти бўлими мутахассислари Самодов Ўткир ва Ҳайдаров Отабеклар ҳақиқатдан ҳам ўзалари ишлаётган банкларда нақд пулнинг бўлмаганлиги сабабли, Термиз давлат университетининг ўқитувчилари иш ҳақи ва талабалар стипендияларини... ўз вақтида нақд пул билан таъминлтай олмаганлиқларини билдиришган», деган

фойдаланишга жавобгар эканлиги белгилаб қўйилган.

Ўқориди қайд этилган банк ҳисобварағи шартномасида белгилаб қўйилган ҳуқуқларга асосланган ҳолда Термиз давлат университети раҳбарияти томони-дан 2003 ва 2004 йиллар давомида университет ўқитувчилари ва жамоасининг иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган тўловларни тегишли банклар томонидан белгиланган мuddатларда нақд пул билан таъминланмаётганлиги бўйича белгиланган тартибда Сурхондарё вилоят ҳўжалик судига даъво аризалари киритилмаган.

Жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод туман суди мазкур 1-418-сонли жиноят ишини кўришда, банк билан мижоз ўрта-сидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгиланган банк ҳисобварағи шартномасида тарафлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини қай даражада бажарганлиги ёки бажармаганлигини аниқламасдан банклар томонидан Термиз давлат университетининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари нақд пул билан таъминланмаган деган, асоссиз хулоса чиқарган.

Раис ўринбосари Б.К.Зарипов.

Марказий банк раиси ўринбосари Б.К.Зарипов томонидан берилган ушбу расмий хатдан сўнг Жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод тумани суди Хидирназар Аллакуловни қай тариха оқланганлиги шубҳамизни оширди. Марказий банкнинг расмий хатида айтил-ляпти: **«Ўткир Алимов «Асака» банкнинг ушбу филиалида умуман ишламаган».** Собиқ ректор Хидирназар Аллакуловнинг судида гувоҳлик берган бу фўқаро банқда ишламаган бўлса, бундай гувоҳнинг кўрсат-маси ҳуқуқий кучга мутлақо эга эмас-ку.

Марказий банк раиси ўринбосарининг расмий хатидаги яна бир масалага эътибор қаратайлик: **«Жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод туман суди ва бошқа судларга «Ўйжойжамгармабанк» (ҳозирги Ипотека банк) Сурхондарё вилоят филиали хо-димларни суд инстанцияларида ишти-рокинни таъминлаш тўғрисида сўровнома ва суд қақирув хатлари берилмаган ҳам-да филиал ходимлари жиноят ишлари бўй-ича Деҳқонобод туман суди мажлисида қатнашмаган...».**

Бунга қандай изоҳ бериш керак? Унда судда қим гувоҳ бўлиб кўрсатма берди? Бу гувоҳларни қим топади, судга қим, қан-дай қилиб олиб келиди? Х.Аллакуловми ёки судьями?..

Демак, судья собиқ ректорни қандай бўлмасин, оқлашни мақсад қилган, деган фикр пайдо бўлади. Нега, нима учун? Бу унинг ўзига аён. Яна бир масала устида фикр юритиш хулоса чиқаришга озгина бўлса-ку ёрдам беради. Ушбу судда Х.Аллакулов оқланган, судья икки ойдан сўнг пенсияга чиқиб кетаяпти. Гувоҳлардан бири эса Россияга ишга кетаяпти.

Уша пайтда турли сабаблар билан бу масалани охиригача ўрганишга имкониятми-зи бўлмаганди. Лекин кейинчалик олинган маълумотлар, эшитган гапларимиз бу оқ-ловга нисбатан шубҳамизни ошириб борди.

Талабаларнинг стипендиялари, ўқитувчи-ларнинг маошлари банқдан вақтида олинган бўлса-да, вақтида тарқатилмаган. Негалини аниқ айтиш қийин, лекин тахминлар бор эди...

Бу пуллар, яъни талабалар стипен-диялари Тошкентдаги савдо дўконларида айлантирилганикин? Бу дўконлар кимга тегишли бўлган? Ҳуқуқ-тартибот идоралари қизиқиб кўрса, масалага аниқлик кирити-лади, албатта. Аммо бизни Х.Аллакулов оқланишининг қай даражада қонунийлиги қизиқтиради.

Суд икки банкнинг икки ходими кўр-сатмасини асос қилиб оляпти. Марказий банк бу гувоҳлардан бири банк тизимида ишламайди, деяпти. Иккинчисини бу масала бўйича судда қўрсатма бериш ваколатига эга эмас, деяпти. Судга банқдан қўрсатма берувчи ходим керак бўлса, судья ёки суд раиси банк раҳбарига расмий хат билан мурожаат қилиши, ўз навбатида банк раҳбари судда гувоҳ сифатида ишти-роқ этувчи ходим исм-шарифини кўрсатиб, расмий жавоб бериши керак эди.

Бу қонуний талабалар бажарилмаган. Бунинг устига, гувоҳларнинг бири банқда ишламаган шахс, иккинчиси бу масалада судда гувоҳлик бериш ваколатига эга эмас.

Сўнгиғи савол: Кимнингдир хатоси учун нега тахририят ва мақола муаллифи йиллаб ҳақоратли сўзларни эшитиб, асаби бўзилиб, жабрланиб, ёмон отлиққа чиқиб, тўхматларга қолиб юриши керак? Нега юз-лаб ташкилот ва идоралар йиллар давоми-да вақт кетказиб, Х.Аллакулов найранглари билан шуғулланиши керак? Қонунчилиқни кўра, билга туриб, нега сукут сақлашимиз керак?

Кейинги йилларда адолатсизликка уч-раб, ноҳақ судланганлар оқланяпти. Этилган ҳақиқатлар тикланяпти. Мақсад адолатни тиклаш, қонун устуворлигига эришиш экан, нега кўриниб турган асоссиз оқлов ишини қайта кўриш мумкин эмас?! Нега кимлар-нингдир жонон ўйинларига, қайсидир йўллар билан назорат кутулиб олиб, айбсиз одам-ларга тўхмат қилишларига йўл қўйилиши керак? Масалани қонун доирасида очик-ой-дин, принциплани қайта кўриб чиқиш зарур, деб ўйлаймиз.

Битта асоссиз жазо кўплаб ҳалол одамлар виждонига отилган ўқ, деган гап бор. Битта асоссиз оқлов ҳам ҳалол одам-лар устидан чиқарилган айбоддир, қонун обрўсига путур етказувчи номаъқул ишдир. Шу боис, қонунни ҳурмат қилсақ, қонунга жинҳат қилишни истамсақ, Х.Аллакулов билан назорат кутулиб олиб, айбсиз одам-ларга тўхмат қилишларига йўл қўйилиши керак? Масалани қонун доирасида очик-ой-дин, принциплани қайта кўриб чиқиш зарур, деб ўйлаймиз.

Битта асоссиз жазо кўплаб ҳалол одамлар виждонига отилган ўқ, деган гап бор. Битта асоссиз оқлов ҳам ҳалол одам-лар устидан чиқарилган айбоддир, қонун обрўсига путур етказувчи номаъқул ишдир. Шу боис, қонунни ҳурмат қилсақ, қонунга жинҳат қилишни истамсақ, Х.Аллакулов билан назорат кутулиб олиб, айбсиз одам-ларга тўхмат қилишларига йўл қўйилиши керак? Масалани қонун доирасида очик-ой-дин, принциплани қайта кўриб чиқиш зарур, деб ўйлаймиз.

Мурод ТИЛЛАЕВ,
Ўзбекистон журналистлар иждоий уюшмаси аъзоси.
Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.